



САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, хусусан, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокни кенгайтириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади. Охириги йиллардаги ислохотлар ижтимоий тараққиётда нодавлат секторнинг ўрнини яққол кўрсатмоқда.

Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари билан бир қаторда ҳар бир фуқаро мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишларда фаол иштирок этмоқда. Бу, аввало, фуқароларнинг ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали ўз таклиф, мулоҳаза, танқидий фикрларини эркин билдираётганида ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 72-моддасида белгилаб қўйилганидек: “Давлат

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратди. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашшига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди”.

(Давоми 2-саҳифада)

Таълим

АСОСИЙ ЭЪТИБОР СИФАТГА ҚАРАТИЛАДИ

Бугун Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги академик лицейда ўқишни истовчи ёшлар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чирчиқ давлат педагогика университети академик лицейи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 2005 йилда ташкил этилган.



Академик лицейда 4 та ўқитиш йўналиши бўйича ўқув машғулоти олиб борилади. Ҳозирги кунда 43 нафар малакали ўқитувчилар ўқувчиларга таълим бериб келмоқда. Жумладан, уларнинг 4 нафари илмий даражали ходимлар, 7 нафари бош ўқитувчилар, 10 нафари етакчи, 5 нафари катта ўқитувчилардир. Лицей маъмурияти васий олий ўқув юрти ҳисобланмиш Чирчиқ давлат педагогика университети билан ҳамкорликни йўлга қўйган, университетдаги турдош кафедралар билан шартномалар имзоланган. Лицейда "Аниқ фанлар", "Тиллар", "Хорижий тиллар", "Ижтимоий гуманитар фанлар" кафедралари ташкил этилган.

(Давоми 6-саҳифада)



ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги Профессional таълим тизимида дуал таълимни ташкил этишга оид қарори қабул қилинди ва ушбу ҳужжатларга қўшимчалар киритилиб, янада такомиллаштирилди.

Салкам 60 йиллик тарихга эга бўлган Бўка агротехнологиялар техникуми 2003 йил Бўка агросаноат коллежига, 2009 йилда эса агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежига айлантирилган эди. Ўтган давр мобайнида ўқув юрти халқ хўжалигининг турли соҳалари учун етук мутахассисларни тайёрлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги Бўка агротехнологиялар техникумига айлантирилди.

Техникумда ўқувчиларнинг замонавий билим эгаллашлари учун инновацион ўқув аудиториялари интернет, WIFI тармоғига уланган, SMART телевизорлари ва компьютер жамланмалари билан жиҳозланган. Билим масканида 20 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган ахборот кутубхона маркази фаолият юритмоқда. Ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун 30X18 ҳажмли спорт мажмуаси ишлаб турибди. 150 ўринли ўқувчилар ошхонаси ва 60 ўринли ётоқхона мавжуд.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам янги-янги ўзгаришлар, изланишлар амалга ошириляпти. “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унинг тегишли моддасида ҳам айнан дуал тизимини қўллаш зарурлиги белгиланди. “Дуал” сўзи “иккилик”, “икки томонлама” деган маъноларни англатиб, бу машғулотнинг амалий қисми иш жойида, назарий қисми эса таълим муассасасида олиб бориладиган таълим шакли ҳисобланади. Дуал таълимда ишлаб чиқаришда орттирилган назарий билим ва кўникма касбий фаолиятдаги билим билан уйғунлаштирилади. Дуал таълимда корхонадаги ишлаб чиқариш шароитлари билан таълим муассасалари ўқув жараёнлари ўзаро боғланади. Дуал таълим дастури ўқув муассасаси томонидан корхона билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади. Ўқувчи-талабаларнинг дуал тизими асосида ўқитилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун жавобгарликни таълим муассасаси ва корхоналар ўз зиммасига олади.

Дуал таълим шаклида сабоқ олаётган ўқувчиларга тегишли иш бевувилик томонидан тўланадиган иш ҳақи даромад солиғи ҳамда ягона ижтимоий солиқ тўловларидан озод этилиб, ташкилотлардаги меҳнат фаолияти учун иш стажы ҳисобланади. Албатта, профессионал таълимда дуал таълим шаклини амалда қўллаш орқали қатор ижобий натижаларга эришиш мумкин. Биринчидан, қонуний ишлаб чиқаришга йўналтирилган профессионал таълим юзага келади. Кадрларга бўлган эҳтиёжнинг башорат қилиш тизими яратилади. Таълим дастурларининг ўзгарувчанлигига асос солинади.

(Давоми 8-саҳифада)

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

(Боши 1-саҳифада)

Айни пайтда вилоятимизда 568 та ННТ фаолият юритмоқда, улардан 395 таси адлия органларида давлат рўйхатидан ўтган, 173 таси эса ҳисоб рўйхатига олинган. Вилоятимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясига аъзо ННТлар сони 86 тани ташкил этади.

Демократик сайловларни фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қонун ҳужжатларига асосан, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг сайловларда фаол иштироки бўйича етарли асос ва имкониятлар яратилган. Ушбу имкониятларни билиш ва улардан кенг фойдаланиш нафақат сайловларнинг демократик

руҳда ўтишига, балки мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланишига ҳам туртки бўлади.

Сайлов кодексига халқаро норма ва стандартларга мос равишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг сайловлардаги иштироки аниқ белгилаб берилган. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларига жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг вакиллари таклиф этилади. Жамоат бирлашмалари ўз аъзоларининг хоҳиш-иродаларини эркин билдириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси йиғилишларида иштирок этишни сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги сифатида эътироф этиш мумкин.

Шу билан бирга, участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан кўрсатилиши давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигига яққол мисолдир.

Айни кунларда вилоятимизда фаолият юритаётган 1007 та участка сайлов комиссиялари 9011 нафар аъзосининг 151 нафарини нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари ташкил этмоқда. Шунингдек, 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси таркибига ҳам фаол ННТ вакиллари киритилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга ошириб, сайлов участкасида ушбу кодекснинг талаблари бузилишига йўл

қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, сайлов комиссиясига бу ҳақда маълум қилиши керак бўлади.

Шунингдек, ННТларнинг сайловолди ташвиқот ишларида, овоз бериш, сайлов натижаларини ҳисоблашда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи орқали сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти яратилади.

Юқоридагиларнинг барчаси нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан сайлов жараёнлари устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ва сайловларда фаол иштирок этиши орқали мамлакатимизда давлат бошқарувида очиқлик ва ошқоралиқни янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Умидилло ҚОБИЛОВ,
13-Қашқадарё округ
сайлов комиссияси аъзоси,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат
ташкилотлар миллий
ассоциацияси ҳудудий бўлими
раҳбари.

“АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ — МАНГУ БАРҲАЁТ”

Очиғи, бугун ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялай десанг Спитамен олис, Мангуберди, Темур узок, Фитрат-у Қодирий йироқ. Хўш, ким ёшларимиз учун бугун тирик қахрамон? Ким жасорат ва матонат тимсолига айланиб ғанимат умрини яшайпти? Фашизмнинг инсониятга кўрсатган азоби, совуқ урушнинг қаҳратон нафаси, урушнинг даҳшатли ҳаёти кимнинг кўзида акс этади? Шубҳасиз, бугун ҳаёт бўлган, тинчлик осмони остида умр кечираётган иккинчи жаҳон урушида жанг майдонида қон кечган боболаримиз нигоҳида кўрасиз.



Бу инсонларнинг ибратли ҳаёти, аччиқ қисмати, уруш фожеаси, фашизм кирдикорларига гувоҳ азиз умри ғанимат.

Навоий вилоят “Жасорат ва матонат” тарғибот маркази ташаббуси билан вилоят мудрофаа бошқармаси, Навоий давлат педагогика институти, Қатағон курбонлари хотираси музейи ҳамкорлигида “Аждодлар жасорати — мангу барҳаёт” номли кўргазма ташкил этилди. Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши ҳузуридаги Жамоат Фонди грант маблағлари доирасида ўтказилган ушбу танлов ғолиблари эътироф этилди, муносиб тақдирланди.

Биламиз, иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли уруш, “Ўлим фабрикаси”дек ваҳшийлик макони, бева аёллар, отасиз

етимлар, очликдан увол кетган умрларга гувоҳ тарих. Бу уруш миллионлаб тақдирларни кулдек сочиб юборди, ҳали-бери бу уруш жабрини тортяпмиз, биз ҳали бу уруш касофатидан қутилганимиз йўқ. Чунки, ўзбекистонлик 158 мингдан ортиқ юртдошларимиз бедарак йўқолган, қисмати номаълум. Шу қисматлар ҳақки, фашизмга қарши тарғибот фақат 9 май куни эмас ҳар лаҳза, ҳар он тўхтамасин. Бугунги ёшлар хонадони, маҳалласида яшаётган уруш жангчилари жасоратини англасин. Улар фақат Хотира ва кадрлаш кунида эмас ёз, куз, қишда ҳам кадрли инсон эканлигини ҳис этиб юрсин. Уруш хотиралари ўчмасин. Нега, бу кўргазмани айнан бу музейда ташкил этдик. Чунки, бошимизга тушган икки мусибат қатағон ва уруш балоси замондош, тақ-



дири ўхшаш.

— Танловда “Химоя” асарим билан қатнашдим. Бугун дунёда 40 миллиондан ортиқ болажонлар қочкин, ҳар йили 3 миллиондан зиёд бола уруш туфайли очликдан вафот этмоқда. Бу даҳшат. Бу дунёни ахиллик, дўстлик қутқаради, — дейди танлов ғолиби Мадина Махсиддинова.

Танлов якунларига кўра, ғояси ва таъсирчанлиги кучли ижодий ишлар тақдирланди, шунингдек 5 нафар фронт олди ва фронт орти ҳаётини ҳаққоний тасвирлай олган ижодкорлар рағбатлантирилди. Навоий вилоят жамоат Фонди директори ўринбосари М.Ҳамидовга кўра, бу каби кўргазмалар давом эттирилади, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган бадиий кўргазмалар “сўзсиз тарғиботчилар” лойиҳалари молиялаштирилади. Фонд маблағлари халқники, халққа қайтиши керак. Шу мақсадда, энг сара санъат асарлари Навоий шаҳридаги 20022-сонли Ҳарбий қисм ва мактаб кутубхоналари учун бепул тарқатилади. Йил давомида вилоятнинг олис ҳудудларида ҳам кўчма кўргазмалар қарвони ташкил этилади.

Жонибек ШУХРАТОВ,
Навоий вилоят “Жасорат ва матонат”
тарғибот маркази раҳбари.
Суратлар муаллифи Санжар ҚУРБОНОВ,
“Навоий ёшлари” газетаси бош муҳаррири



МАТБУОТИМИЗГА ДАДИЛЛИК КЕРАК

Кишилик жамиятининг ривожланиш босқичида шундай давр юзага келадики, унда бир авлод эски тамойилларга асосланган турмуш тарзини тарк этгиси келмайди, иккинчи авлод эса эски қолиплар билан яшай олмайди. Шундай шароитда матбуот фуқаролар онгида янгича дунёқарашни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлганидек матбуот соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан журналистлар жамиятимизни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган камчилик ва муаммоларни дадил қўтариб чиқишга мунтазам даъват қилинаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки матбуот ҳар бир воқеага теран кўз билан қараб, ҳолис ҳулоса чиқаришга ундовчи етакчи куч ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда матбаачилик ишлари ва ОАВ ривожланди, хусусий телеканаллар, интернет тармоқлар, янги нашрлар ва газеталар пайдо бўлди. Лекин, минг афсуски, улар ичида халқимизни қийнаб келаётган, жамиятдаги иллат ва камчиликларни

ўткир қалам ва теран фикр билан ёритаётган матбуот нашрлари саноқли. Лекин оз бўлишига қарамай, бундай нашрлар ўзининг жасоратли сўзлари билан жамиятни соғломлаштиришга, фуқароларни эскича фикрлашдан воз кечиб, ҳаётга янгича ўлчамларда назар ташлашга ўргатмоқда.

Матбуот нашрларининг айримлари мустабид тузум давридаги каби жамиятда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни шарҳлаш ва изоҳлашдан, ҳокимиятларнинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда камчиликларни ҳаспўшлаш ва келишувчанликдан нарига ўтмапти. Бу эса Президентимиз томонидан оммавий ахборот воситалари ва журналистлар олдида қўйилган вазифа ва талабларга мутлақо жавоб бермайди.

Келишувчан матбуот мажхуллиги ва ҳаракатсизлиги туфайли жамият бошқарувининг турли бўғинларида фаолият олиб бораётган амалдорлар ўртасида коррупция ва

порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик ва таниш-билишчиликнинг авж олишига сабаб бўлади.

Ривожланган мамлакатлар Конституциясига кўра матбуот эркинлиги кафолатининг бош мақсади – олий ҳокимият органи бўлмиш ижрочилик, қонунчилик ва суд тизими фаолиятини қўшимча равишда назорат қилувчи восита сифатида тўртинчи ҳокимиятни вужудга келтиришдан иборатдир.

Буюк Британияда матбуот тўғрисида қабул қилинган алоҳида қонун йўқ. Чунки бу ерда оммавий ахборот воситалари ҳам, барча фуқаролар ҳам ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

Франция қонунчилигида матбуот вакиллари учун ахборот олиш ҳуқуқини берадиган махсус модда йўқ. Лекин журналист матбуот нашри ҳужжати асосида ҳар қандай вазирлик, идора, давлат ва хусусий фирма ташкилотларига кириш, сиёсий, маъмурий, иқтисодий характердаги барча ахборотларга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Қонунга кўра матбуот тўртинчи ҳокимият сифатида қонунчилик, ижро ва судлов органларининг фаолиятини ёритиш асосида жамоатчилик фикрини ҳамда жамият ўртасидаги соғлом муносабатларни мустаҳкамлайди. Бу мамлакатларда ЮНЕСКОнинг ОАВ ҳақидаги Декларацияси ҳам қонунчилик тажрибасида қўлланилади. Мазкур қонун-қоидаларга биноан журналист ахборот олиш фаолиятини чеклайдиган тўсиқлар қўйиш мақсадида унга босим ўтказиш ёки сотиб олишга уринишларга бўйсунмаслик ҳуқуқига эга ва мажбурдир. Шу билан бирга журналист ўзининг мустақиллигини ёки фаолият кўрсатиш имконини чекланишига, ҳавф соладиган имтиёзларга келишувчанлик муносабатида бўлмаслиги керак.

Юқорида тилга олинган қонунларнинг энг ижобий ва прогрессив томонлари мамлакатимиз Олий

Мажлиси томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги "ОАВ тўғрисида"ги қонунда ҳам ўз аксини топган. Савол тугилади: хўш, нега унда матбуот жамиятнинг етакчи кучига айланмапти? Нима учун тўртинчи ҳокимият ҳисобланадиган матбуот қонунчилик, ижро ва судлов органларини назорат қилиш ва улар фаолиятини ҳолис ёритиш асосида жамоатчилик фикрини уйғотиш, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ўрнига кузатувчанлик ва келишувчанлик позициясида турибди?

Жамиятда матбуотни етакчи кучга айлантириш учун журналистлар онгида ҳозирги давр нуқтаи-назаридан ўзгариш содир бўлиши керак. Замон талабига мослашмаган, қўрқув ва манфаатдорлик, ёлғон сиёсат ва уни ҳаспўшлаш, таъмагирлик руҳида тарбияланган матбуот эски қолипга мослашган консерватив кучларга қўшилади ва жамият таракқиётига ғов бўлади. Шунинг учун Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ғояларга ҳамнафас бўлган, ОАВ ҳақидаги қонун асосида жамиятдаги ислохотларни ривожлантиришда келишувчанлик кайфиятига ўрин қолдирмайдиган "Хуррият", "Жамият", "Ишонч", "Самарқанд" сингари жасур матбуот нашрлари сафи тобора кенгаймоқда.

Журналистикамиз тарихида ўз ўрнига эга бўлган "Жамият" газетаси мен учун жуда кадрли. Чунки бу газетада жамиятимизнинг энг долзарб муаммолари ёритилиб келинмоқда. Газетанинг ҳар бир сонисида долзарб мавзулар қўтариб чиқилади. Бугун мана шу газета тимсолида барча матбаачиларни, журналистларни, жамият ислохотларида фаол иштирок этаётган ҳамкасбларимни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий табриклайман.

Ботир МУХАММАД,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси.



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АДОЛАТЛИ

Ҳуқуқий давлат қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган, фаолияти ва тузилиши халқ иродасига таянадиган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлайдиган давлатдир.

Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири шуки, унда инсон олий қадрият ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий давлат — демократиянинг ажралмас белгиси.



Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Маҳмудова ўз сайловолди дастурида бу борада қатор ташаббусларни илгари сурган.

Номзод дастуридаги суд-ҳуқуқ ислохотлари, энг аввало, юртимизда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигига эришишга қаратилган.

Шунингдек, номзод дастурида суд жараёнида томонларнинг чинакам тенглиги ва тортишув тамойилини рўёбга чиқариш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадлари ҳам кўзда тутилган.

Мазкур устувор мақсадларни рўёбга чиқаришда эса судьялар зиммасига ниҳоятда муҳим — одил судловни Конституция ва қонунлардан ҳамда адолат тамойилидан оғишмай амалга ошириш вазифаси юклатилади. Зеро, айнан суд-ҳуқуқ тизими жамиятда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлиги учун масъулдир.

Яқинда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямиз лойиҳасини шакллантириш жараёнида ҳам халқимиз алоҳида фаоллик кўрсатиб, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга оид қатор таклифларини билдирди. Яқинда эса, ушбу таклифлар янги тахрирдаги Конституциямизда ўз аксини топди ва халқимиз уни қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Албатта, бунинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат мужассам. Чунки адолатли жамият, демократик, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилган халқ борки, ўз Конституциясида инсон шаъни ва кадр-киммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини барча кадрятлардан устун қўйишга интилади.

Жумладан, янгиланган Конституцияда илк бор Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлатдир, деган қоида ўз ифодасини топди. Бунинг яққол тасдиғи сифатида Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари қафолатларига оид нормалар 3 баробар ошди.

Бу эса бош вазифамиз барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш бўлиши зарурлигини англатади. Негаки, қонун устувор бўлган жамиятдагина инсон ҳуқуқлари тўлақонли таъминланади, тинчлик ва осойишталик ҳукм суради, халқнинг давлат сиёсатига ва келажакка ишончи ортади, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Эндиликдаги вазифа янги тахрир-

даги Конституция қоидаларини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни тараққиёт мақсадларига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этишини амалда таъминлашдан иборат.

Демак, мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими янгиланиб бориши замон талабларига мос равишда доимий эътибор, диққат ва изчил ислохотларни талаб этадиган узлуксиз жараёндир. Шу нуқтаи назардан, “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Робахон Маҳмудованинг сайловолди дастурида “Қонун устуворлиги — адолатли жамият қуришнинг муҳим шarti!” тамойилини жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қоидасига айлантириш ғояси илгари сурилган. Чунки номзод кўп йиллар суд тизимида фаолият юритаётган тажрибали раҳбар-мутахассис сифатида бу борада муаммоларни чуқур англаган.

Номзод инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шarti — судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш таклифини илгари суради.

Бундан кўзланган мақсад, авваламбор, Асосий қонунимизда судларга оид қафолатларни ҳаётга татбиқ этиш йўли билан уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Ҳозир судьяларимиз халқ депутатлари Кенгашларида мунтазам равишда ўз фаолияти юзасидан берган ахборотлари давомида ўзлари чиқарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритувда бўлган ва ниҳоясига етмаган ишлар бўйича савол-жавоб қилиниши ҳолатлари ҳам учрайди.

Янгиланган Конституциямизнинг 130-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 136-моддасида судьялар ҳисобдор бўлмаслиги қатъий белгиланиб, уларнинг фаолиятига аралашиб омиллари конституциявий даражада бартараф этилди.

Судьялар сонини ошириш, уларнинг ихтисослашувини янада кенгай-

тириш, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантириш масалалари номзоднинг диққат марказида бўлади.

Бугунги кунда иш ҳажми кўплиги нуқтаи назардан судьялар “вақт босими” остида бўлиб, айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир ўтказиб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Масаланинг долзарблиги қуйидаги рақамларда яққол кўринади. Хусусан, ҳар 100 минг аҳолига судьялар сони Германияда 24, Россияда 18, Ўзбекистонда эса 3,7 нафарни ташкил этмоқда. Бу муаммонинг ечими судьялар сонини босқичма-босқич оширишдир. Ҳозир шиддат билан ўзгариб бораётган замонда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўплаб қонунлар қабул қилинмоқда. Бундай вазиятда юқори билимли ва катта тажрибага эга ҳар қандай ҳуқуқшунос ҳам қабул қилинаётган қонунларни мукамал ўзлаштириб, қамраб олиши мушкул.

Шу боис, судьялар ресурсидан оқилона фойдаланиш учун уларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини кенгайтириш ҳам зарур бўлади.

Хорижий тажрибага мурожаат этсак, оилавий судлар АҚШ, Хитой, Германия, Сингапурда самарали фаолият кўрсатмоқда. 2022 йилда мамлакатимизда 58 мингдан ортиқ солиқ, 40 мингдан ортиқ оилавий низолар, вояга етмаганлар билан боғлиқ 49 мингга яқин иш кўрилган.

Шунинг учун ҳам ҳозир энг долзарб бўлган соҳалар, яъни оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятда қонун асосида яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашимиз шарт.

Дастурда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар “узқ туриш” стереотипини тубдан ўзгартиришимиз лозимлиги ғояси илгари сурилган. Шундай тафаккур шакллантирилиши керакки, токи ҳар қандай инсон бирор ҳуқуқбузарликнинг гувоҳи бўлса, лоқайд бўлиб, уни кўрмаганга олмасдан, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар қилиш унинг фуқаролик бурчи эканини англаши лозим.

Бунинг учун ҳуқуқбузарликка гувоҳ бўлган одамни суд ва тергов органларига овра қилиб қайта-қайта чақиравермасдан, замонвий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, фуқароларнинг одил судловга қўмаклашишини рағбатлантириш каби усуллардан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Шу боис, Президентликка номзод Робахон Маҳмудова суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, хусусан, улар фаолиятидаги ҳали-ҳануз сақланиб қолаётган айрим эскича ёндашувларни бартараф қилиш, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, жазолаш тафаккурдан адолат, тенглик, эркинлик ғояларига ўтиш зарур, деб ҳисоблайди.

Янгиланган Конституциямизда ҳеч қандай суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди ва ҳаракатланиш эркинлигини чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши қоидаси мустаҳкамланди. Демак, тергов органи ҳар қандай ҳолатда шахсни 48 соатдан ортиқ ушлашга ҳақли эмас. Агар ушлаш зарурати бўлса, унда фақат суднинг қарори зарур бўлади. Бу конституциявий талаб ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг қафолатидир.

Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи биринчи марта Конституциямизда алоҳида мустаҳкамланди. Номзод Асосий қонунимизга киритилган ушбу илғор нормаларни ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этиш тарафдори. Мамлакатимизда конституциявий меъёрларга қатъий амал қилиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим шartiдир. Бунинг учун суд-ҳуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини кучайтиришга бирламчи эътибор қаратиш керак бўлади.

Ушбу йўналишда, аввало, ҳар бир мансабдор шахс, ҳокимият вакили, жумладан, терговчи, прокурор, судьяларнинг билим ва малакасини ошириш муҳим саналади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ишончли ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли бекиёсдир. Янгиланган Конституцияга адвокатура бўйича алоҳида боб киритилиши орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим қадам бўлди. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса — унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани қафолатланди.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистонда 4577 адвокат фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, салкам 8 минг аҳолига 1 нафар адвокат тўғри келишини англатади. Ҳолбуки, бир адвокатга Исроилда 136, АҚШда 260, Германияда 500 аҳоли тўғри келади.

Табиийки, кўпчилик ҳимоячи деб атайдиган адвокатсиз одил судловни таъминлаб бўлмайди. Тарафлар процессуал имкониятлари тенг бўлгандагина чинакам тортишув вужудга келади. Шу боис, суд процессида адвокатнинг мавқеи прокурор билан тенг бўлиши, адвокат томонидан келтирилган важлар ва далиллар суд муҳокамаси эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATİK PARTIYASI

Айни пайтда адвокатура институтини ривожлантириш сари яна илдам қадамлар қўйиш керак, судьянинг суд жараёнидаги фаол ролини босқичма-босқич камайтириб бориб, асосан, тарафлар ўртасидаги бахсни кучайтириш ва улар келтириладиган далилларни баҳолашга кўпроқ урғу бериши керак.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзоднинг сайловолди дастурида адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий этиш йўлидан бориш зарурлиги қайд этилган. Айниқса, адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини янада яхшилаш чораларини қўриш лозимлигига эътибор қаратилган.

Дастурда кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини тўхтаиб туриш амалиётига барҳам бериш, биринчи мартаба ёки қўпол бўлмаган хатолар учун нотариусларга жарима қўллаш амалиётини йўлга қўйиш таклиф этилган. Чунки ҳудудларда нотариуслар фаолиятининг вақтинча тўхтаиб турилиши орқасидан оддий фуқаролар турли овозгарчиликларга дуч келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, номзод коррупциядан холи жамият йўлида халқимиз билан биргаликда курашни давом эттиришимиз лозим, деб ҳисоблайди. Мақсад давлат бошқарувининг барча соҳаларида, жумладан, суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида, таълим ва соғлиқни сақлаш, қурилиш ва бошқа соҳаларда коррупцияга барҳам беришдир.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига “тоза қўллар” сиёсатини сингдириш қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги муҳим вазифадир.

Президентликка номзод Робохон Маҳмудова ҳукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича, биринчи навбатда, ўзи жавоб берадиган тизим жорий қилинишини қўллаб-қувватлайди.

Коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси, балки бутун жамиятнинг бурчидир. Ушбу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақо муросасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва кенг оммага етказиш борасида самарали тарғибот ишлари ташкил этилади.

Албатта, жамиятда бошқарув мукамал бўлса, тараққиёт ва юксалиш қафолатланган бўлади. Давлат бошқаруви қанчалик аниқ ва хатосиз ишлайдиган механизм бўлса, халқ шунчалик фаровон ва муносиб ҳаёт кечирилади. Шу нуқтаи назардан, давлат бошқаруви доимо янгиланиб боровчи, замон талабларига монанд тизим бўлиши керак. Юқорида қайд этилганидек, номзоднинг сайловолди дастурида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш юзасидан қатор таклифлар ўрин олган.

Жумладан, маҳаллий кенгашларга туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқини бериш таклиф этилган. Сўнгги йилларда жойларда ижро ҳокимияти устидан самарали назоратни таъминлашда маҳаллий кенгашларга қатор ваколатлар берилди. Хусусан, ижро ҳокимиятининг маҳаллий кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги, бюджет жараёнини назорат қилиш каби ваколатлар шулар жумласидандир.

Номзод ўз дастурида илгари сураётган ҳокимларга нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқини маҳаллий Кенгашларга берилиши эса, келажакда ҳокимларнинг ўзларига юклатилган вазифани масъулият билан, ҳисобдорликни ҳис этган ҳолда бажаришини ва шу билан бирга, ҳокимиятларнинг ўзаро тийиб туриш механизмнинг тўлақонли татбиқ этилишини таъминлайди.

Президентликка номзод Робохон Маҳмудова маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши тарафдори. Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун ушбу маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган штат-

лар сонини мақбуллаштириш ташаббуси илгари сурилмоқда.

Номзоднинг халқ вакиллари ваколатини кенгайтиришга оид яна бир ташаббуси — депутатлар иш вақтининг ярмини ўз сайловчилари билан мулоқотда ўтказишини белгилловчи тартибни жорий этиш таклифидир.

Ушбу ташаббуснинг амалиётга жорий этилиши келгусида халқ билан мулоқот қилиш тизимининг янги бир механизми шаклланишига олиб келади. Зеро, ўз сайловчилари билан кўпроқ мулоқот қилган халқ вакиллари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мавжуд муаммолардан яқиндан хабардор бўлиш, аниқланган муаммолар ечимини парламент имконият ва ваколатларидан фойдаланган ҳолда таъминлаш ҳамда мулоқотлар жараёнида сайловчилар томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар асосида қонунчиликдаги “оқ доғларни” бартараф этиш имкониятига эга бўлади.

Номзоднинг парламент қўмиталарининг раиси ва раис ўринбосари бир партиядан бўлишини тақиқлаш ташаббуси ҳам кун тартибидеги муҳим масалалардан бири саналади.

Парламент қўмиталари раиси ҳамда ўринбосарларининг айнан битта партиядан фракциясидан шакллантирилишини тақиқлаш келгусида бошқа партиядан фракцияларининг парламент ишига, хусусан, турли соҳалар, йўналишлар бўйича қонун ижодкорлиги, парламент назоратига оқилона таъсирини оширишга сабаб бўлади.

Шунингдек, номзод ўз сайловолди дастурида давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, унда фуқаролар иштирокини кенгайтиришнинг замонавий ва самарали усуллари жорий қилиш тарафдори эканини маълум қилган.

Бу борада адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришнинг барча жаҳаларида қонунийлик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади. Бундай назоратни ташкил қилишда сиё-

Ишонамизки, номзоднинг бундай эзгу мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир фуқароси эркин ва адолатли жамиятда, тинчлик ва фаровонликда яшашга ҳақлидир!

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлатни биргаликда курашимиз!

сий партиядан, жумладан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясини жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Асосий шиори “Адолатли келажакни танлаймиз!” бўлган номзод инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун янги имкониятларни очиш тарафдори. Шунингдек, яна қатор чора-тадбирларни амалга ошириш жамиятда демократия ривожланишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Жумладан:

— тадбиркорлик субъектларига қўшимча харажатлар юклайдиган барча қоидалар фақат қонунлар орқали қабул қилинишига эришиш;

— қонунларни тўғридан-тўғри ишлайдиган механизмлар билан биргаликда қабул қилиш, бу борада парламент қўмиталари ишини кучайтириш;

— тадбиркорлик субъектлари ишига аралашмаслик, уларга оид масалаларни ижро органларидан талаб қилиш юзасидан парламент назоратини амалга ошириш.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши лозимлиги янгиланган Конституция-мизнинг 20-моддасида муҳим қоида сифатида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Яъни давлат инсоннинг бирор ҳаракати учун жарима ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини белгиламоқчи бўлса, мазкур принципга амал қилиши лозим. Кам аҳамиятли қилмиш учун унга мутаносиб бўлмаган оғир жазо чорасини белгилаш мумкин эмас.

Мутаносиблик билан боғлиқ нормалар қўллаб давлатлар конституцияларида белгиланган ва кўп мамлакатларнинг миллий суд амалиётида қўлланилади. Бу тамойил Марказий ва Шарқий Европанинг деярли барча давлатида, шунингдек, Лотин Америкаси мамлакатлари, Австралия ва Янги Зеландия, Жанубий Корея каби давлатларда ҳам мавжуд.

“Адолат” СДП номзоди ўз олдида юқорида қайд этилган эзгу мақсад-вазифаларни белгилаб олган. Улар адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш — ижтимоий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, меҳнаткаш халқимиз учун муносиб фаровон ҳаётни барпо этиш, мамлакатимизда барқарорликка ва ижтимоий адолат устуворлигига эришишга қаратилгандир.

Абдукамол РАҲМОНОВ,

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

АСОСИЙ ЭЪТИБОР СИФАТГА ҚАРАТИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Жамоанинг ҳар бир аъзоси билим олувчиларга эътиборли бўлиб, белгиланган кун тартиби асосида ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши учун масъулият билан ёндашмоқдалар. Ёшларнинг таълим-тарбиясидек ўта масъулиятли ва муҳим саналган бу ишда жамоа бошлиғи Сирожиддин Баракаевич Қораевнинг билимдонлиги ва таърибаси қўл келмоқда.

— Ота-оналар: "Фарзандларимиз шу лицейда ўқигани яхши, кўнглимиз уларнинг ўқишларидан хотиржам бўлади, чунки бу ерда тартиб-интизом, таълим-тарбия бериш яхши йўлга қўйилган, — дейишади. Бу гаплар бежизга айтилмайди, албатта, халқ ишончини қозониш қийин, лекин йиллар давомидаги машаққатли меҳнат эвазига эришилган ишончни сақлаб қолиш эса ундан ҳам муҳим, — дейди лицей ижрочи директори С.Қораев. — Лицейда ўқувчиларнинг вақтини тўғри тақсимланишига ва ундан ижобий фойдаланишига катта эътибор берилмоқда.

Ҳар куни эрталаб соат 8:00 дан 12:35 гача дарс машғулотларида қатнашиш, дарсдан сўнг спорт ўйинлари, мусобақа ва оммавий тадбирларда қатнашиш, китоб ўқиш, қўшимча дарсларга ва тўғарақларга қатнашиш каби вақтларини тўғри тақсимлаганлар. Бунда, албатта, "ўқувчининг бўш вақти душманнинг иш вақти" ҳикматли сўзига амал қилиб, ўқувчининг бўш вақтини унумли ва мазмунли ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Академик лицейга ўқитувчилар юқори танлов асосида қабул қилинади ва ўқитувчилардан доимий равишда ўз устиларида ишлаши, замонавий билим ва ўқитиш усуллари ўрганиб бориши талаб этилади. Элу юрт манфаати йўлидаги эзгу амалларни умрининг мазмуни деб билган бундай ўқитувчилар ҳақиқий устозлардир. Илм даргоҳи ташкил топганидан шу кунгача тарих фани ўқитувчилари Атоқова Ирода, Менгдобилова Мавлуда, рус тили фани ўқитувчиси Саидносирова Рухан, математика фани ўқитувчиси Абдуллаева Гуласал, физика фани ўқитувчиси Ҳалилова Рўзибу ана шундай устозлардан ҳисобланади.

Академик лицейнинг ўқув жараёнидаги ютуқларининг туб илдизини, аввало, қабул ва қабулгача бўладиган тайёргарликдан ахтармоқ лозимдир. Ўқув йили давомида ўқитувчилар шаҳар ва туман

мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида мунтазам тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришади. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари ўртасида Чирчиқ давлат педагогика университети васийлиги ва ҳомийлиги асосида фан олимпиадасининг ўтказилиши ўқувчилар ўртасида лицейга нисбатан қизиқишларининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир гуруҳга қабул қилинган ўқувчилар билан яқиндан иш олиб бориш гуруҳ раҳбари ва фан ўқитувчиларининг асосий мақсади бўлиши лозим. Гуруҳ раҳбари ўқувчилар учун таълим даргоҳидаги энг яқин киши бўлиб, у биринчи кундаёқ ўқувчининг муаммо ва қизиқишларини ўрганиб, лицей руҳшунос ва ёшлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Гуруҳ раҳбарлари ўқувчиларни ўз фарзандидай кўриб, уларга нисбатан талабчан ва меҳрибон бўлса, бу устоз ҳамиша ва ҳамма жойда ҳурматга лойиқ бўлади. Шундай устозлар сирасига Эшқувватова Наргиза, Насриева Дилбар, Куралбаева Айгул, Маҳмуджанова Анжеликалар номини қайд қилиш мумкин.

Академик лицейда ҳар ойнинг охирида ўқувчилардан блок тестлар олинади. Тестларни фан ўқитувчилари тузишади ёки шартнома асосида ДТМ тестларидан фойдаланилади. Тест натижалари таҳлил қилинади ва йўналишлар кесимида эълон қилинади. Юқори натижаларга эришган ғолиблар тақдирланади, камчиликка йўл қўйганларга хатоларни тузатиш ёллари кўрсатилади.

Чет тилини ўрганиш — давр талаби. Ёшлар ўртасида чет тилини, айниқса, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда. Ҳар йили битирувчи босқич ўқувчилари учун ўтказиладиган чет тилини билиш даражасини аниқлаш учун тест синовлари бўлиб ўтади. Бу йил 70 нафар ўқувчиларимиздан 61 нафари Б1 ва Б2 сертификатларини қўлга киритди. Бундай ютуқлар жонкуяр инглиз тили ўқитувчилари Назирова Муаттар, Мирзодиёрова Камолаларнинг тинимсиз меҳнатлари самарасидир.

Таълим муассасининг асосий вазифаси ўқувчиларни юқори билим ва кўникмага эга бўлган шахс сифатида тарбиялаш, олий таълим даргоҳларига тайёрлаш, талабалик бахтига эриштирамоқ ҳисобланади. Бундай мақсадга эришаётганимизнинг исботини сўнгги йиллардаги



олий ўқув юртларига кириш фоизларидан ҳам билиш мумкин: 2021 йилда 61, 2022 йилда 82 фоизлик натижа, албатта, ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатлари маҳсулидир.

Ҳозирги кунгача лицейни битириб чиққан ўқувчиларимиздан 166 нафари олийгоҳга кириш арафасида турган бўлса, қолганлари Республикаимиздаги ва хорижий давлатлардаги нуфузли олий таълим даргоҳларида билим олиш билан банд. Олийгоҳни тугатганлари ватан ва халқ фаровонлиги учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Академик лицей битирувчилари Республикаимизнинг энг нуфузли ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институтини, Шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институтини, Инҳа университети каби бир қатор олий таълим муассасаларида таҳсил олишмоқда.

Лицей битирувчилари ҳозирги кунда давлат бошқаруви ва муҳим стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг маъсул ходимлари сифатида меҳнат қилмоқдалар. Лицей жамоасидан бир неча устозлар илмий мақола ва қўлланмалар яратиб Ўзбекистон таълимини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Буларга Саидносирова Рухан, Атоқова Ирода, Назирова Муаттар каби устозларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ўқув масканининг Чирчиқ давлат педагогика университети билан ўзаро ҳамкорлиги асосида университет профессор-ўқитувчиларининг лицейга келиб машғулотлар ўтиши, ўқувчиларимизнинг эса олийгоҳга бориб назарий ва амалий билимларни ошириб туришлари олий ўқув юртлари ҳақидаги тасавурларнинг бойишига олиб келмоқда.

Академик лицейда дарслар замонавий, жаҳон таълим стандартларига мос ўқув хоналарида, тажрибали ва илмий-педагогик салоҳиятга эга ўқитувчилар томонидан, ўқитишнинг интерфа-

ол усуллари, компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб боришади. Жумладан, чуқурлаштирилган фанлар махсус ўқув хоналарида, кичик гуруҳларга бўлинган ҳолида ўтилади. Таълим жараёнларини ДТС талаблари асосида бажариш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий ҳамкорлигини таркиб топтириш, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини намоён этиши учун фан ойликларининг ўтказилиши таълимда сифат ва самарадорликнинг ошишига имконият яратилмоқда.

Академик лицейда стадион ва фаоллари зали мавжуд бўлмаганлиги учун Чирчиқ давлат педагогика университети мактабгача факултети спорт ва фаоллари залидан фойдаланилмоқда.

Таълим масканида 2 та компьютер хонаси, кутубхона ва ўқув зали ҳамда тўғарақлар ташкил этилган. Академик лицейни битирган ўқувчиларга диплом ва "ЕХМ оператори", "Кимё лаборанти", "Турагент", "Иш юритувчи" каби кичик мутахассислик сертификати берилди.

Ушбу билим даргоҳида ўқишни давом эттириш истагида бўлганлар қандай йўл тутиши керак деган савол туғилиши табиий. Аввало, мактабнинг 9 синфини тамомлаган мактаб битирувчиси академик лицей директори ариза билан мурожаат қилади. Аризада ўзи танлаган йўналиш кўрсатилади. Ариза қабул қилиниб, ўқувчи номзодга айланади ва кириш имтиҳонларида қатнашади.

Кириш имтиҳонлари 2 босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич - ёзма иш

Иккинчи босқич - тест синови

Ҳар икки босқичдан муваффақиятли ўтган абитуриент академик лицейга қабул қилинади ва 2 йил давомида ўзи танлаган йўналиши бўйича пухта билимга эга бўлади. Юрт равнақи, фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган билимли йигит ва қизлар ҳамиша эл ардоғида бўлади. Шундай экан, барча билимга ташна ўқувчи ёшларимизни академик лицейга ўқишга таклиф этамиз. Зеро, Ўзбекистон келажакги билимли ёшлар қўлидадир.

Ҳалима ТОШМУРОДОВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университети қошидаги
академик лицей ўқитувчиси.

ОТАСИГА РАҲМАТ КЕЛТИРГАН

ҲОКИМ

Ҳар гал пойтахтдан ота уйимга йўл олсам, кўнглимни Самарқанд нонидай иссиқ ва гўзал меҳр чулғайди. Тошкент автошоҳбекатидан йўловчи машинага ўтириб кетяпман. Жомбойгача деб гаплашганимни эшитган олдиндаги йўловчи амаки қайси қишлоқдан эканимга қизиқди. Ҳайдовчи ҳам жомбойлик экан. Йўл узок.

Ҳайдовчи ва олдин ўриндикдаги киши (ўзаро таниш бўлса керак) Жомбойдаги кейинги ўзгаришлар ҳақида гапириб кетишди. Тинглаб кўнглим ёришди. Ҳозир арзимас нарсадан нолийверадиган, яшаётган шароитига нисбатан ичида куюнди сақлайдиган одамлар кўп. Раҳбарларни бўлса-бўлмаса танқид қилаверадиганларни-ку гапирмасам ҳам бўлади. Жим тинглаб кетяпман. Фазирада кўп ўзгаришлар бўпти. Асосий йўллардан ташқари қишлоқ ички йўллари асфальтланибди.

– Ҳоким яхши йигит экан, барака топсин. Қишлоққа буғдойни кўргани келса, далани ўзидан қайтмайди. Кексаларнинг фикрини тинглайди. Бирон одамни беморлигини эшитса, кириб ўтади. Қишлоқ одамлари кўп дуо қилади, – деди.

Ҳайдовчи ҳам гапга қўшилди:

– Вали бобони (Шайх Худойдоди Вали) зиёрат қилиб, атрофини ободонлаштирибди.

Сухбатдошларни тинглар эканман, Жомбой тумани ҳокими кўз олдимга келди. Қаюм Собиров туғма маданиятли, зиёли инсон. Ҳоким бўлган илк кунлариданоқ оқсоқоллар билан кенгашиди. Жомбойдан ўтган олимлар, азизларни суриштирди. Ҳар бирининг тарихи билан қизиқди. Буларни мен Жомбой туманининг сайти ва газетаси орқали кузатдим. Маҳалла фаолларидан бўлган қариндошим ҳар борганимда ҳокимликдаги йиғинлар, кўтарилган масалалар ҳақида тўлқинланиб гапиради.

– Бир неча йиллар олдин ҳокимликка чақиринса, юрак ҳовучлаб борардик. Очиғи, ҳокимдан сўкиш эшитмаган фермер, ишчи қолмаганди. Бу ҳокимнинг тилидан ёмон сўз чиқмайди, лекин сиёсати бор. Ҳамма иш бадастир кетаётгани балки шундандир.

Қаюм Собиров ҳоким бўлган кезлари Жомбойда туғилган ва ҳозир мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёзувчи, шоир, журналистларни бир дастурхон атрофида тўплади. Фикрларини тинглади. Тез орада жомбойлик ижодкорларнинг умумий тўплами нашрдан чиқди. Маърифатпарвар шоир Саидахмад Сиддикий – Ажзий Ҳолвойи қишлоғида юз

йил олдин курдирган мактабни реконструкция қилдирди.

Тумандаги мактаблардан бирида ишлайдиган синглим “Ҳоким мактабга келиб, ўқувчилар билан суҳбатлашибди, қизим ўзи ёзган шеърини ўқиб берибди. Ҳоким баракалла, дебди. Қизим хурсанд”, деб кўнғироқ қилди бир куни. Ўйлаб қолдим. Мен мактабга борсам, директор, ўқитувчилар, кейин ўқувчилар билан суҳбатлашим мумкин. Ҳоким мактабга ўқувчиларнинг кайфиятини билгани борибди. Балки қишлоққа бошқа юмуш билан бориб, мактабга кириб қайтгандир.

Асли кўшработлик бўлган турмуш ўртоғим кўшработдан академиклар, ҳокимлар, ёзувчи-шоирлар кўп чиққан, деса, Жомбойдан чиққан улуғлар номини санай бошлайман. Охирида қахрамон Аҳмаджон Қурбоннов, ёзувчилар Аҳмад Аъзам, Ойхумор Асадова, Ҳафиза Эгамбердиева, профессор Хуррам Раҳимов, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев... хуллас, охири ҳазил аралаш исмиимни кўшиб тугатаман. Бунда маҳаллийчилик йўқ. Шунчаки туғилган тупроқни яхши билиш, таниқли кишиларини улуғлаш бор. Жомбойлик ижодкорларнинг тўпламини уйга олиб борсам турмуш ўртоғим ростдан кўпчил экансизлар, деб астойдил хурсанд бўлган.

Қишлоғимизда асосий йўлдан ташқари боши берк кўча ҳам бор. Шу кўчага акаларим уй солиб чиққан. Чангу лойини босиш учун одамлар пул йиғиб, тош ташлаб яшарди. Қаюм Собиров қишлоққа келганида шу кўча ҳақида билиб қолиб, асфальтлашга топшириқ берибди. Акам уч кун ичида кўчалари асфальт бўлганини айтиб, хурсанд.

Юқорида Жомбой туманининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини кузатиб боришим ҳақида ёзгандим. Баъзида шу ҳоким дам олармикан, деб ҳайрон қоламан. Ҳали спорт мусобақаларида ғолиб бўлганлар тақдирланган, ҳали бирор маҳаллада ҳоким қабули, ҳали ғаллакорлар, ҳали пиллакорлар билан учрашган. Бу шунчаки ҳисоботлар эмас. Қилаётган ишига меҳрини, виждонини сарф этишдир.

Бу одам Президент сиёсатини ту-

шунган, раҳбар кабинетда ўтирмаслигини, халқ билан ҳамжиҳат бўлишини яхши англаган. Ҳар бир ишни бошлашдан олдин кексалар дуосини олиши, қишлоқма қишлоқ, кўчама кўча ўзи бош бўлиб юриши халқ меҳрини оширди. Уч йил ичида бутун туманни ўзи ўрганди. Бугун пою пиде кезганлари элнинг меҳри бўлиб тилга тушди. Яхши раҳбар бўлиш кийин эмас. Бунинг учун қалб сарфланса, кифоя. Аслида осон эмаслиги-ям шунда.

Ўтган йили октябрь ойида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқулов жомбойлик адабиёт ихлосмандлари билан учрашув ўтказди. Юқори савияда ташкил этилган бундай самимий давра, маърифий учрашувдан ёзувчилар ҳам, жомбойликлар ҳам мамнун бўлди. Айтганча учрашув ўттиз йиллардан бери қаровсиз ётиб, Қаюм Собиров ташаббуси билан таъмирланиб, қайта иш бошлаган Зарафшон саройида бўлиб ўтди.

Ҳоким қабулида бўлган одам доим унинг столида бирор китоб очик турганини кўради. Бу китоблар мумтоз сўз санъатидан замонавий адабиётгача. Муҳими ўқилади. Қаюм Собировнинг ўзи ҳам яхши ижодкор. Унинг “Отамнинг излари”, “Ёлғизоёқ йўл”, “Ўзликни излаб” сингари китоблари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

*Бола эдим бир пайтлар мен ҳам,
Отам мени қиларди дуо.
Бугун ўзим отаман, алҳол,
Отам ҳаққин қилдимми адо?*

Мана шундай уйғоқ юракли шоир, халқпарвар сиёсатчи Қаюм Собиров ҳақида Жомбойга етгунча яхши гаплар эшитдим. Йўловчи амаки ҳокимнинг отасига раҳмат, деб дуо қилди. Раҳбар халқпарвар бўлса, халқ раҳбарни яхши кўради, сийлайди, ортидан дуо қилади. Мен бугун шунга гувоҳ бўлдим. Илоҳим бу ишлар бардавом бўлсин.

Манзура ШАМС

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ – ДАВР ТАЛАБИ

(Боши 1-саҳифада)

Фақат шугина эмас, битирувчилар ва ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифатини мустаҳкамлаш, баҳолаш тизимини жорий этиш имконияти ҳам яратилиб, юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашга эришилади. Албатта, бунинг учун ўқув йили давомида баъзи корхоналар касбий амалиётлар ўтилишини бир меъёрда таъминлай олиши, дуал ўқитиш технологиясини жорий этиш бўйича тажриба ҳуқуқий ҳамда иқтисодий томонлама қўллаб-қувватланиши зарур.

Айтиш жоизки, 2021-2022-ўқув йили якуни бўйича Бўка агротехнологиялар техникумини 265 нафар талаба битирди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги ва Россия Федератив Республикаси Кострома қишлоқ хўжалиги академияси билан тузилган ҳамкорлик шартномасига биноан 2022 йил 9 август куни академия ректори М.С.Волхоновнинг буйруғи асосида техникумимизнинг 30 нафар талабалари синов орқали, грант асосида академия талабалар сафига ўқишга қабул қилинди.

2022 йил натижасига кўра битирувчиларимизнинг 126 нафари мамлакатимиздаги мавжуд олий таълим муассасалари мос бакалаврият йўналишларига Вазирлар Маҳкамасининг 01.01.2022 йил 17-сонли қарори асосида белгиланган тартибга кўра суҳбатлардан муваффақиятли ўтиб, имтиҳонсиз 2-босқичдан ўқишни давом эттириш имкониятини қўлга киритдилар. Битирувчиларимизнинг 156 нафари ОТМларга қабул қилинди. Қолган 109 нафар битирувчилар бандлиги таъминланиб, улар ҳозирда иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланмоқда.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, Бўка агротехнологиялар техникуми таклифига биноан замонавий юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Германиянинг Норден шаҳрида жойлашган, 2008 йилда ташкил топган “ДУАЛЛ+” компанияси вакиллари ҳамкорлигида ўқитишнинг дуал таълим шаклини жорий этиш юзасидан ҳамкорлик шартномасини имзолашга тайёргарлик жараёнлари кетмоқда.

Агар бу мақсадлар амалга ошадиган бўлса, техникум 2-босқич

тегишли йўналишларидаги ўқувчиларни 6 ой давомида Германиядаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташга ва ўзига хос дуал таълим шаклига эришилади.

Дастур бошида Германияда амалиёт ўташларини ташкил этиш мақсадида техникум ўқувчилари немис тилини А2, Б1 даражасида билишлари талаб этилади. Германияга юборилган олдин ўқувчилар немис тилини дарс машғулотида, тўғарак ва тайёрлов курсларида ўрганади. 1-курсни битириб А2 немис тили сертификатини олган талабалар 2-курснинг 3-чорагида ишлаб чиқариш амалиётига, Б1 немис тили сертификатига эга бўлган битирувчи талабалар хоҳиш ва истакларига кўра ўз мутахассисликлари бўйича контракт шартнома асосида Германияга ишга юборилади.

Ишлаб чиқариш амалиётига боровчи ўқувчиларнинг йўл харажатлари, ётоқхона, озиқ-овқатлари,

талабалар ва маҳаллий ёшлар немис тили курсларида ўқишни бошлаб юборишди. Демак, изланишлар, интилишлар ўз самарасини бермоқда.

Яна бир имконият — 2023-2024 ўқув йилида Бўка агротехнологиялар техникумида тайёрлаётган мутахассислар малака ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида Россия федерациясида жойлашган КАМАЗ автотранспорт заводи билан илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

КАМАЗ автомобил заводи Россия федерациясининг энг илғор юк автомобил ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланади. КАМАЗ автозаводи дунёнинг жуда кўплаб давлатларига нафақат юк, балки ҳарбий автомашиналар ҳам чиқариб беради.

Ҳозирги кунда ёш автомобилчи талабаларга қизиқарли ҳамда фойдали касб эгаллаш мақсадида ушбу автозаводда амалиётлар ўташ учун



ўринларига қабул қилинганлар ойна 50 000 рублдан 80 000 рублгача (бизнинг ҳисобимиз бўйича 7 млн дан 10 млн сўмгача) иш ҳақи билан таъминланади. Улар учун қулай, бепул ётоқхона ва ошхоналар мавжуд. Талабалар ювиниш хоналари (барча замонавий қулайликларга эга бўлган) билан таъминланади. Ётоқхона шаҳар марказидаги савдо шаҳобчалари, дам олиш ва хордик чиқариш масканлари атрофида жойлашган. Иш жойига бориб келиш корхона ҳисобидан амалга оширилади. Корхонада малакали тиббий ёрдамни бепул олиш бўйича тиббиёт хоналар фаолият кўрсатади. Барча талабаларга махсус иш кийимлари корхона ҳисобидан бепул берилади.

Замонавий етук мутахассисларни тайёрлаш борасида техникумимизда барча шарт-шроитлар муҳайё қилинган. 2023 — 2024-ўқув йили учун кундузги ва сиртки бўлимларга ўқувчиларни қабул қилиш жараёнлари бошлаб юборилди. Қабул режасига мувофиқ ушбу йилда кундузги бўлимга 360 нафар, сиртки бўлимга эса 150 нафар ўқувчини қабул қилиш кўзда тутилган. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, кундузги бўлимга 14 та мутахассислик, сиртки бўлимга эса 5 та мутахассислик йўналиши бўйича ўқувчилар қабул қилинади.

Янгича изланишлар, таълимга бўлган жиддий ёндашув тобора тақомиллашиб бораверади.

Умуман ўқитишнинг янги тизими ҳаётга самарали жорий этилиши профессионал таълимни янги босқичга олиб чиқиш, соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва ёшларда касбий кўникмаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

Абдуҷаббор АРАНЖИЕВ,
ТДАУ ҳузурдаги Бўка Агротехнологиялар
техникуми директори

**Яна бир имконият - 2023-2024 ўқув йилида
Бўка агротехнологиялар техникумида
тайёрлаётган мутахассислар малака ва
кўникмаларини шакллантириш мақсадида
Россия федерациясида жойлашган КАМАЗ
автотранспорт заводи билан илмий-амалий
ҳамкорликни йўлга қўйилмоқда.**

тиббий суғуртаси компания томонидан тўлиқ қопланади. Шунингдек, ҳар ойда ўртача 1200-1300 евро миқдорида меҳнат ҳақи тўланади. Ўқувчилар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун камида 6 ой давомида Германияда амалиёт ўташлари мақсадга мувофиқ бўлади. Контракт асосида мутахассис сифатида ишга борган битирувчиларимиз учун бошланғич иш ҳаққи 2420 еврони ташкил этади. Бу борда Германия — Ўзбекистон ҳамкорлик жамияти томонидан техникум ўқувчиларини тайёрлаб беришга келишиб олинган. Келишувга биноан кўшимча тўғарак ва курслар ташкил қилинади. Компания томонидан он-лайн тарзда машғулоти олиб борилади. Белгиланган тартибга асосан жорий йилнинг 1 майдан А2 даражаси немис тилини ўрганиш дастури бўйича хоҳиш-истакка қараб

жуда қулай имкониятлар яратилган.

2023-2024 ўқув йилида техникумнинг “автомобил”, “қишлоқ хўжалиги” ва “гидромелиоратив машина ва жиҳозлар” йўналишига қабул қилинадиган талабалар 1-курсни тамомлаб, 2-курсга ўтганларидан сўнг ишлаб чиқариш амалиётларини ушбу автозаводда ўтказишлари учун шартномаларни имзолаш жараёни кетмоқда.

Завод амалиёт ва ишга боровчиларнинг йўл чипталарини ўз зиммасига олади. Корхонада талабалар иш билан таъминланади. Меҳнат фаолияти бўйича турли хил бўш иш